

АШУРОВ З. А.

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

АШУРОВ ЗУФАР АБДУЛЛОЕВИЧ

**КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИ
(Монография)**

**Тошкент
LESSON PRESS
2019**

УДК: 334.723:658.115 (575.1)

КБК 65.30

A72

Ашуров З.А.

Корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми. Монография./
З.А.Ашуров – Т.: “LESSON PRESS” нашриёти, 2019. - 275 б.

Монография корпоратив бошқарувнинг назарий-услубий асосларини ривожлантириши, акциядорлик корхоналарида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини замонавий халқаро стандартлар асосида такомиллаштириши масалаларига бағишланган. Монографияда корпоратив бошқарувни тадқиқ этишининг методологик асослари, корпоратив бошқарув концепцияси ва моҳиятига илмий-назарий ёндашувлар ва уларни ривожлантириши масалалари ўрганилган, корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмига оид замонавий қарашлар шакллантирилган, мамлакатимизда корпоратив бошқарувнинг ҳуқуқий ва иқтисодий ривожланиши хусусиятлари, миллий корпоратив бошқарув тизими тадқиқ этилган ва уни ривожлантириши истиқболлари белгиланган, кимё саноати акциядорлик корхоналарида корпоратив бошқарувнинг ташкилий механизми ҳамда иқтисодий механизмини тавсифловчи кўрсаткичлар таҳлил этилган, корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлигини баҳолаш услубиёти ва такомиллаштириши йўналишлари тақлиф этилган, шунингдек, корпоратив бошқарувда моделлаштириши усулларини қўллаш ва ривожлантириши масалалари ёритилган.

Монография барча иқтисодий йўналиш ва мутахассисликларда таълим олаётган талабалар, тадқиқотчилар, акциядорлик жамиятларининг кузатув кенгаши ва ижроия органлари, давлат ва хўжалик бошқарув органларининг мутахассис-амалиётчилари учун мўлжалланган.

Иқтисод фанлари доктори, профессор Ш.Н.Зайнутдинов таҳрири остида.

Такризчилар:

Карлибаева Р.Х. – Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Корпоратив бошқарув” кафедраси доценти, и.ф.д.

Бутиков И.Л. – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги хузуридаги Хусусийлаштириш, рақобат ва корпоратив бошқарувни ривожлантириш муаммоларини тадқиқ этиш маркази директори, и.ф.д., проф.

Мазкур монография Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2018 йил 28 июндаги 12-сон қарори билан наирга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6260-9-6

© Ашуров З.А., 2019
© “LESSON PRESS” нашриёти, 2019

МУНДАРИЖА

Кириш	5
I БОБ. КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	8
1.1. Корпоратив бошқарувни тадқиқ этишнинг методологик асослари	8
1.2. Корпоратив бошқарув концепцияси ва моҳияти: илмий-назарий ёндашувлар ва уларни ривожлантириш	18
1.3. Корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмига оид замонавий қарашларни шакллантириш	35
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ВА МЕХАНИЗМИ	46
2.1. Ўзбекистонда корпоратив бошқарувнинг ҳуқуқий ва иқтисодий ривожланиш хусусиятлари: тарихий усулнинг сабаб-оқибат таҳлили	46
2.2. Миллий корпоратив бошқарув тизими ва уни ривожлантириш истиқболлари	63
2.3. Республика акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизмининг ўзига хос жиҳатлари	75
III БОБ. КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИНГ КИМЁ САНОАТИ АКЦИЯДОРЛИК КОРХОНАЛАРИДА ТАҲЛИЛИ	81
3.1. Кимё саноатида корпоратив бошқарувни вужудга келишининг ўзига хос хусусиятлари, ташкилий асослари ва ҳозирги ҳолати	81
3.2. Кимё саноати акциядорлик корхоналарида корпоратив бошқарувнинг ташкилий механизми таҳлили	88
3.3. Тармоқ акциядорлик корхоналарида корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмини ташкил этувчи кўрсаткичлар таҳлили	98
IV БОБ. АКЦИЯДОРЛИК КОРХОНАЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ..	110
4.1. Акциядорлик корхоналарида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлигини баҳолаш	110
4.2. Кимё саноати акциядорлик корхоналарида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш йўналишлари	117
4.3. Корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги	129
V БОБ. КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВДА МОДЕЛЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ	139
5.1. Корпоратив бошқарув моделлари асосидаги механизмларнинг қиёсий хусусиятлари	139
5.2. Самарали корпоратив бошқарувни ташкил этиш жараёнини моделлаштириш	144

Хулоса	150
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	156
Иловалар	
1-илова. Корпоратив бошқарув асосий назарияларининг қиёсий жадвали	169
2-илова. Корпоратив бошқарув тушунчасига берилган таърифларнинг таснифланиши	171
3-илова. Халқаро миқёсда қабул қилинган ва эътироф этилган корпоратив бошқарув стандартлари	188
4-илова. Корпоратив бошқарув механизмига оид қарашлар ва ёндашувларнинг таснифланиши	191
5-илова. Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимини ривожлантиришга оид ислохотларнинг босқичлари	196
6-илова. Корпоратив бошқарув кодексининг айрим қоидаларига риоя этиш бўйича Методик тавсиялар	198
7-илова. “Ўзкимёсаноат” АЖ нинг тармоқ ташкилий тузилмаси	217
8-илова. “Ўзкимёсаноат” АЖ бўйича асосий кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг матрицавий структураси	218
9-илова. “Ўзкимёсаноат” АЖ ижро этувчи аппаратининг ташкилий тузилмаси ..	219
10-илова. “Ўзкимёсаноат” АЖ нинг мулкчилик тузилмаси	220
11-илова. “Ўзкимёсаноат” АЖ ва таркибидаги саноат акциядорлик жамиятлари корпоратив веб-сайтларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги 176-сонли қарори билан тасдиқланган “Акциядорлик жамиятларининг корпоратив веб-сайтларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низом”га мувофиқлиги юзасидан ўтказилган таҳлил натижалари	221
12-илова. “Ўзкимёсаноат” АЖ ва таркибидаги акциядорлик корхоналари бўйича дивиденд кўрсаткичлари	226
13-илова. Корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш бўйича ёндашув ва усулларнинг тавсифи	228
14-илова. Корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлигини рейтинг асосида баҳолаш учун кўрсаткичлар бўйича балларни аниқлаш тартиби	233
15-илова. Кимё акциядорлик корхоналарида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлигини баҳолаш методикасини синаш натижалари ва чиқарилган хулосалар	249
16-илова. Акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув органларининг корпоратив бошқарув ташкилий-иқтисодий механизми доирасида бажариши лозим бўлган вазифалари	251
17-илова. Кимё саноати акциядорлик жамиятларининг Тармоқ корпоратив бошқарув Кодекси	255
18-илова. “Ўзкимёсаноат” АЖ ва таркибидаги акциядорлик корхоналари корпоратив веб-сайтларидаги “Корпоратив бошқарув” саҳифасининг тавсия этиладиган намунавий харитаси	273

КИРИШ

Жаҳон иқтисодиётида корпоратив бошқарув мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини белгилаб берадиган асосий омиллардан бири бўлиб, ҳозирда ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган мамлакатларда такомиллашиб бормоқда. Чунки мамлакат корпоратив секторини фонд бозорига маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда ривожлантириш компаниялардан халқаро стандартларга мос даражадаги корпоратив бошқарувни талаб қилади. Қолаверса, жаҳон ҳамжамияти томонидан иқтисодий ривожланишнинг омили сифатида XIX асрда тадбиркорлик, XX асрда – менежмент эътироф этилган бўлса, XXI асрда мамлакат иқтисодий ривожланишини айнан корпоратив бошқарув белгилаб бериши тан олинган. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) томонидан ўтказилган тадқиқотларга¹ кўра, мулкчилик тузилмаси зич жамланган мамлакатларнинг жаҳон бозор капиталлашувидаги улуши охириги йиллар ичида 20% дан (1998-2002) 34% гача (2013-2015) ошган, бунга асосан ривожланаётган мамлакатлар капитал бозорларининг кескин тараққий этиши сабаб бўлган. Шунинг учун, мамлакат корпоратив бошқарув тизимининг сифати унинг корпоратив сектори рақобатбардошлиги ва динамик ривожланиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Жаҳонда корпоратив бошқарув муаммоларини ўрганиш ва ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, корпоратив бошқарув тизимини халқаро стандарт ва тамойиллар асосида такомиллаштириш, иқтисодиётда баланслаштирилган корпоратив бошқарув механизмларини яратиш, корпоратив бошқарув жараёнларини моделлаштириш, корпоратив бошқарув самарадорлиги ва механизминини шакллантиришга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш, корпорацияни бошқаришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини барпо этиш шулар жумласидандир. Шу боис, корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизминини такомиллаштириш бўйича назарий-амалий тадқиқотлар олиб бориш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда корпоратив бошқарувга оид ислохотларнинг чуқурлашуви юз бермоқда, корпоратив бошқарув тизимидаги тамойил ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш борасида кенг

¹ OECD Corporate Governance Factbook 2017, p.141.

кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2014 йилда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури” амалга оширилди, Корпоратив бошқарув кодекси қабул қилиниб, унинг тавсиялари акциядорлик жамиятларининг фаолиятида жорий қилинди.

Шу билан бирга, миллий корпоратив бошқарув тизимини шаклланиши ва ривожланишининг муайян ижобий жараёнларига қарамасдан, корпоратив бошқарув соҳасида айрим муаммолар тўпланиб қолмоқдаки, уларни ҳал этмасдан туриб, корпоратив бошқарув тизимини кейинги даврда ривожлантириш, қолаверса, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, мамлакат рақобатбардошлигига эришиш жараёни қийинлашиши мумкин. Бундан ташқари, 2015 йилда янги таҳрирда тасдиқланган “G20/ИХТТ нинг корпоратив бошқарув тамойиллари”да келтирилган адолатлилик, жавобгарлик, шаффофлик ва ҳисобдорлик каби корпоратив бошқарувнинг халқаро эътироф этилган тамойиллари Ўзбекистон корпоратив бошқарув тизимида ҳали тўла-тўқис ўз аксини топгани йўқ. Акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув сифатини ошириш нафақат хорижий инвестиция киришини рағбатлантиради, балки бутун корхона фаолиятини замон талабларига мос ҳолда модернизацциялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни ҳам қамраб олади.

Шу боис, акциядорлик жамиятлари фаолиятида корпоратив бошқарув самарадорлигини янада ошириш, корхоналарга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибadorлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг такомиллаштиришнинг аҳамияти ва зарурлиги ортиб бормоқда. Бу эса, акциядорлик жамиятларининг корпоратив сектор сифатида миллий иқтисодиётнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшишларига, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик

қайта жиҳозлаш жараёнларига инвестицияларни, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилишга замин яратади.

Шунга кўра, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² “корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усуллари жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш” ва 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясида³ “корпоратив ҳуқуқни ривожлантириш ва корпоратив бошқарувнинг замонавий тамойилларини халқаро тажрибани инобатга олиб жорий этиш” бўйича устувор вазифалар белгиланди. Ушбу вазифаларнинг самарали ҳал этилиши корпоратив бошқарув соҳасини тадқиқ қилиш, бу борада муҳим изланишларни олиб бориш ва акциядорлик корхоналарида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш зарурлигини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли, 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли фармонлари, 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сонли “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. // www.lex.uz.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони. // www.lex.uz.

I БОБ. КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Корпоратив бошқарувни тадқиқ этишнинг методологик асослари

Акциядорлик корхоналарида корпоратив бошқарув масалаларини ўрганиш, даставвал, уни тадқиқ этиш методологиясини ўрганишни талаб этади. Шу боис, биз ушбу параграфда асосан мамлакатимиз ҳамда хориж тадқиқотчи олимларининг корпоратив бошқарув, корпоратив ҳуқуқ соҳаларидаги назарий ва илмий-услубий ишларини комплекс тарзда, тизимли ўрганиб чиқиш ҳамда уларнинг илмий ишларида ёритилган методологияларни тадқиқ этиш билан боғлиқ масалаларга тўхташни ва уларни айрим жиҳатларини ривожлантиришни лозим топдик.

Корпоратив бошқарувни тадқиқ этишнинг методологик асосларини кўриб чиқишда, авваламбор, сўнгги йилларда мамлакатимиз тадқиқотчи олимлари томонидан корпоратив бошқарув соҳаси доирасида ўтказилган тадқиқотларни таҳлил қилишдан бошлаймиз.

Мамлакатимизда фан номзоди даражасида бажарилган корпоратив бошқарув бўйича энг сўнгги тадқиқотлардан бири М.М.Ташходжаевнинг [158] тадқиқот иши бўлиб, унда корпоратив бошқарув бўйича назарий қарашлар ва таърифлар тизимли ёндашув асосида тадқиқ этиш натижасида корпоратив бошқарув тизимининг назарий-услубий модели ишлаб чиқилган. Шунингдек, таркибий ва статистик таҳлил усуллари ёрдамида корхонада корпоратив бошқарув механизми таҳлил қилинган, таққослаш усули қўлланилган ҳолда корпоратив бошқарув моделлари (инглиз-америка, немис ва япон моделлари) нинг қиёсий хусусиятлари аниқланган.

Номзодлик даражасида бажарилган иқтисодий тадқиқотлардан яна бири Н.М.Расуловнинг [156] тадқиқот иши бўлиб, у корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмини тадқиқ этишга, унинг негизида корхона ривожланиш самарадорлигини белгилашга асосланади. Ишнинг алоҳида методологик томони шундаки, унда турли услубий ёндашувларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида корпоратив бошқарувнинг моҳияти ва иқтисодий аҳамияти мантиқий таҳлил қилиниб, илмий абстракциялаш ёрдамида очиб берилган. Жумладан, корпоратив бошқарув тушунчасига берилган турли таърифлар, назарий концепциялар ва амалий ёндашувлар, монографик жиҳатдан ўрганилиб, муаллиф таърифи келтирилган: “корпоратив бошқарув – бу корпорацияларни бошқарув қонунлари, механизмлари ва тамойилларига хос, унинг асосида ётувчи

мақсад, вазифалар ва муносабатлар асосида фаолият кўрсатувчи тизимдир”.

Корпоратив бошқарувга оид адабиётларни назарий таҳлил қилиб чиқиш муаллифга корпоратив бошқарув хусусиятларинини илмий тадқиқ этишининг эволюцион босқичларини аниқлашга, шунингдек корпоратив бошқарувнинг миллий тизимини ривожлантиришга оид тадқиқот йўналишларини туркумлашга имкон берган. Ушбу тадқиқот муаллифи корпоратив бошқарувни ривожлантиришда хориж тажрибасини ўрганган ҳолда, унинг асосий моделлари (унитар, континентал, тармоқ моделлари) ни таққослаш усулида қиёсий таҳлил қилиб чиққан.

Тадқиқот доирасида корпоратив бошқарувнинг самарадорлиги ва механизми масалалари алоҳида илмий мушоҳада асосида ўрганиб чиқилиб, натижада муаллиф томонидан тизимли ва комплекс ёндашувлар асосида корпоратив бошқарувни ташкил этиш механизми, корпоратив бошқарувнинг мажмуавий механизмлари ишлаб чиқилган, корпоратив бошқарув иқтисодий механизмига таъсир этувчи омиллар тавсифи келтирилган.

Ҳуқуқ соҳаси тадқиқотчиси М.М.Вохидовнинг [148] илмий ишида акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини тартибга солишнинг ҳуқуқий муаммолари комплекс тадқиқ этилган. Ишдан кўринишича, муаллиф томонидан корпоратив бошқарув институтининг моҳияти ва ҳуқуқий табиатини ўрганиб чиқишга урғу берилган. Бунда корпоратив бошқарув атамасига берилган таърифлар монографик тадқиқот асосида ўрганиб чиқилиб, муаллиф уни “компания бошқарувчиларнинг акциялари юзасидан акциядорларнинг даромад олиш манфаатлари йўлида ва компанияни бошқаришда кафолатланган иштирок этишини таъминлашга қаратилган бошқарув фаолияти” сифатида таърифлаган.

Корпоратив бошқарув элементлари бўлган корпоратив бошқарув иштирокчилари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар ҳам диққат марказида бўлиб, муаллиф уларни мантиқий усуллар ёрдамида тавсифлаган. Шу билан бирга, Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тўғрисидаги қонунчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихий ёндашув асосида таҳлил қилинган. Мазкур тадқиқот муаллифи томонидан хорижий мамлакатлардаги корпоратив бошқарув моделлари (АҚШ модели, Германия модели, Япония модели) ҳамда ушбу мамлакатлардаги асосий корпоратив меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиб чиқилган. Корпоратив бошқарув органлари (акциядорлар умумий



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/4342> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/4342> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4342>